

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Риштон тумани

2024 йил 10 январь

4-1505-2302/1898-сонли иш

Риштон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Мирзаматов раислигида, судья ёрдамчиси Д.Хомидовнинг котиблигида, аризачи – [REDACTED] қарздор – “ [REDACTED] тартибда тўловга қобилиятсиз деб эътироф этиш ҳақидаги бўйича иқтисодий ишни, тарафлардан аризачи вакили И.Солиев (2024 йил 9 январь кундаги 25-01576-сонли ишончнома асосида), қарздор раҳбари С.Жалолдинов (паспорт асосида) ва муваққат бошқарувчи Б.Турсунов иштирокида, Риштон туман солиқ инспекцияси биносида, сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] (кейинги матнларда кредитор деб юритилади) ариза билан судга мурожаат қилиб, “ [REDACTED] (кейинги матнларда қарздор деб юритилади) умумий тартибда тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатишни сўраган.

Суднинг 2023 йил 3 ноябрь кундаги ажрими билан қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилиб, кузатув таомили жорий этилиб, суд бошқарувчиси Б.А.Турсунов [REDACTED] муваққат бошқарувчиси этиб тайинланган.

Кредитор вакили суд мажлисида ариза бўйича тушунтириш бериб, қарздор томонидан солиқ бўйича қарздорлик ўз вақтида бартараф этилмаганлиги сабабли, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилинганлигини, лекин қарздорга имконият берилиб, аризада қайд этилган қарздорлик тўлаб қўйиш учун кузатув таомили олиб борилди, қарздор кузатув таомили жараёнида солиқ қарздорлигини тўлиқ бартараф этганлигини баён этиб, суддан ариза бўйича қонуний қарор қабул қилишликни сўради.

Қарздор раҳбари суд мажлисида, ҳақиқатда кредитордан солиқ бўйича қарздор бўлганлигини, лекин кузатув жараёнида солиқ қарздорлигини тўлиқ бартараф этганлигини баён этиб, суддан қарздорликни тўлиқ бартараф этилганлиги сабабли, аризани қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд муваққат бошқарувчиси қарздорни тўловга қобилиятлилик фаолияти кузатув тартиб-таомили асосида ўрганиб чиққанлигини, унга юкланган вазифаларни бажариш жараёнида қарздорнинг кредитор ва дебиторлари аниқланганлиги, кредиторларнинг талаблари реестри тузилганлиги, қарздор томонидан кредитор олдидаги қарздорлик кузатув таомили жараёнида тўлиқ бартараф этилганлигини, ҳозирда қарздорда банкротлик аломатлари мавжуд эмаслигини баён этиб, кредиторнинг аризасини қаноатлантиришдан рад этишликни сўради.

Суд, иш ҳужжатларни ўрганиб, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини эшитиб, қуйидагиларга кўра аризачининг талабини қаноатлантиришни рад этишни ва суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим деб топади.



Иш хужжатларидан кўринишича, қарздор [REDACTED] 2018 йил 14 февраль куни ташкил этилган, фермер хўжалиги раҳбари [REDACTED] ҳисобланади.

Қарздорнинг кредитор Фарғона вилояти солиқ бошқармаси олдида 2023 йил 6 октябрь ҳолатига солиқ ва бошқа мажбурий йиғимлардан 120 298 416 сўм қарздорлиги вужудга келган.

Кредитор томонидан мазкур солиқ қарздорлигини ундириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижа бермаган, шундан сўнг кредитор судга ариза билан мурожаат қилиб, қарздорни умумий тартибда банкрот деб топишни сўраган.

Суднинг 2023 йил 3 ноябрь кунидаги ажрими билан қарздорга нисбатан банкротлик тўғрисида иш кўзғатилиб, кузатув таомили жорий этилиб, суд бошқарувчиси Б.А.Турсунов “ [REDACTED] муваққат бошқарувчиси этиб тайинланган.

Муваққат бошқарувчининг 2024 йил 8 январь кунидаги кузатув таомилининг якуний ҳисоботида кўра, қарздор томонидан кредитор олдидаги 120 298 416 сўм қарздорлик тўлиқ бартараф этилган.

Ўзбекистон Республикаси “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунининг 55-моддасига кўра, суднинг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланмаганда;

суд тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилгунига қадар кредиторларнинг билдирилган талаблари қаноатлантирилганда;

сохта тўловга қобилиятсизлик аниқланганда.

Суднинг қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарори ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қабул қилиниши мумкин, деб белгиланган.

Юқоридагиларга асосан суд, қарздор суд тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилгунига қадар кредиторнинг билдирилган талабларини қаноатлантирганлиги учун кредиторни қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топди.

Бинобарин суд, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуннинг 5, 7, 43, 51, 55, 141, 142, 241, 242-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 170, 176-177 ва 210-моддаларини қўллаб,

### Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Аризани қаноатлантириш рад этилсин.

Қарздор [REDACTED] нисбатан жорий қилинган кузатув таомили тугатилсин.

Қарздор [REDACTED] ҳисобидан кредитор Фарғона вилояти солиқ бошқармаси фойдасига 33000 сўм почта харажати ундирилсин.

Қарздор [REDACTED] ҳисобидан Республика бюджетига 990 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ижро варақалари берилсин.



Мазкур ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида тарафлар шу суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят беришга (протест келтиришга) ҳақлидир.

**Раислик қилувчи, судья**

**Ш.Мирзаматов**

Ҳужжат имзоланган: Мирзаматов Шокиржон Мамадалиевич, 15.01.2024

